

Хуқуқий билимларни қўллаш

кўникмаси қандай шаклланади?

ПАРТИЯ ЛОЙИХАСИ АМАЛДА

Қонун устуворлигини таъминлаш вазифаси жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириб боришни тақозо этади.

Фарғона давлат университетига Ўзбекистон "Адолат" СДП вилоят кенгаши ҳамда Фарғона шаҳар ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси ҳамкорлигида "Ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда сиёсий партия ва ички ишлар органларининг ўрни ва роли" мавзусида очиқ мулоқот ташкил этилди.

ларини ҳуқуқий саводхонликка чорлаш, ҳуқуқий билимларини кундалик ҳаётда қўллаш олишга ўргатиш олдимида турган долзарб вазифадир, — дейди Фарғона шаҳар ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси тергов бўлими катта терговчиси, катта лейтенант Хумоюн Жўраев.

Тадбир давомида маърузачилар қайд этган маълумотлар ва ҳуқуқий тушунчалар юзасидан

Ҳамкор ташкилотлар вакиллари, талабалар, олий таълим муассасаси ўқитувчилари иштирок этган мазкур тадбирда таъкидланганидек, даржақат, бугунги кунда ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлиги даражасини оширишга тўққинлик қилувчи бир қатор омиллар, камчиликлар мавжуд. Жумладан, ҳуқуқий таълим ва тарбиянинг кичик ёшдан шакллантирилмаётганлиги, бу борда оила, маҳалла ва таълим муассасалари ўртасида узвий ҳамкорлик етишмаслиги, ёшларда ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик ҳиссини уйғотишда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари амалга ошираётган ишларнинг талаб даражасида эмаслиги кузатилаётганда.

Албатта, ёшларга берилган пухта ҳуқуқий билим уларда кучли фуқаролик позицияси шаклланишига кўмаклашади, бу эса ёшларнинг ўз тенгдошларига намуна бўлиши, кейинчалик про-



фессинал даражада фаолият олиб боришига ижобий таъсир қилади. "Ёш адолатчилар" каноти фаоллари Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг "Биргаликда юксак ҳуқуқий маданият сари" лойиҳаси доирасида ўтказиб келатган тарғибот тадбирлари ҳам ана шу мақсадга йўналтирилган эътиборга молик.

— Ёшларни қизиқтира оладиган жонли мулоқотларни ташкил этиш, аҳолининг барча қатла-

ёшлар учун викторина ўтказилди. Викторинада саволларга тўғри жавоб берган талабалар ҳамкор ташкилотларнинг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Надиршоҳ НАЗИРЖОНОВ,
Фарғона шаҳар ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси масъул ходими, лейтенант

Дунё хабарлари



вақтидаги энг юқори кўрсаткич — 46 фоизга етди. Бу хулоса институт сайтида келтирилган.

17-30 апрель кунлари олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, Республикачилар партиясини қўллаб-қувватловчилар орасида Трампнинг фаолиятини маъқулловчилар 91 фоизни, Демократик партия тарафдорлари орасида 12 фоизни, иккала партияни ҳам қўллаб-қувватламайдиганлар орасида эса 37 фоизни ташкил қилган.

Трамнинг президентлик муддати давомида уни маъқуллаш ўртача рейтинги 40 фоизни ташкил қилади. Бу кўрсаткич 2017 йилда энг паст даража — 35 фоизга тушиб кетган. Трампни қўллаб-қувватлаш рейтинги охири марта рекорд даража — 45 фоизга жорий йил апрель бошида кўтарилган.

Собиқ президент Барак Обаманинг шу даврдаги қўллаб-қувватлаш кўрсаткичи 44 фоизни ташкил қилган. Умуман олганда, АҚШ президентларини ўртача аҳолининг 54 фоизи қўллаб-қувватлаган. Трамп маъқуллаш рейтинги 50 фоиздан ошмаган биринчи АҚШ етакчиси бўлди.

Le Figaro нашри хабарига кўра Франция шарқидаги Кре-ан-Бельдон коммунасидаги бошланғич мактаблардан бирида синфлар қисқартирилишига қарши кураш доирасида 15 та кўзичоқ ўқувчилар сифатида мактабга қабул қилинди.

Синфларнинг қисқартирилиши зарурати ўқувчиларнинг сони камайиб кетгани билан тушунтирилган. Ота-оналар бунинг оқибатида синфларда ўқувчилар сонининг ошиши ва мос равишда, таълим сифатининг ёмонлашиши мумкинлиги-



дан шикоят қилишган.

Шунда маҳаллий фермерлардан бири мактабга қўйлар сурувни олиб келган ва сурувдан 15 та кўзичоқ мактаб ўқувчилари рўйхатига киритилган. Таъкидланишича, "янги ўқувчилар"нинг ҳар бирида туғилганлик ҳақида гувоҳнома бор. Ушбу акцияни мэр Жан-Луи Маре қўллаб-қувватлаган.

"РБК-Украина" нашри хабар беришича, Украинанинг амалдаги президенти Пётр Порошенко сўроқ бериш учун бош прокуратурага келмади ва бу билан Украина қонунларига муносабатини кўрсатди, деди мамлакат махсус тергов бошқармаси раҳбари Сергей Горбатюк.

Бош прокуратуранинг махсус терговлар бошқармаси раҳбари Сергей Горбатюкнинг айтишича, Порошенконинг президент ваколатлари яқунланган бунинг иложи топилди. "Ваколатлар яқунланганда, биз судга унинг мажбуран олиб келиниши бўйича мурожаат қиламиз", дейди у.

Порошенконинг 7 май куни 2014 йилда Майдандаги норозиликлар вақтида айбисиз фуқароларнинг ҳалок бўлиши иши бўйича бош прокуратурага сўроқ қилингани чақиртирилган.

РИА новости хабарига кўра, кейинги бир кеча-кундуз давомида бир ярим мингдан ортқ қочок Сурияга қайтди, дейилади Россиянинг бу мамлакатдаги рақиб томонларни муроасага келтириш ва назорат қилиш бўйича маркази маълумотномасида.

Шунингдек, хабарда, Дайр аз-Зор вилоятида инсонпарварлик тадбирлари ўтказилгани, Сурия Куролли Кучлар инженерлик бўлими томонидан 2 гектар майдон миналардан тозалангани, 63 та портловчи моламалар зарарсизлантирилгани ҳам маълум қилинган.

"РБК" нашрининг хабарига кўра, Шереметьево аэропортида Superjet 100 самолёти ҳалокатидан кейин авиакомпания Москвага ва Москвадан 5 та рейсини бекор қилгани ёки қолдирганини маълум қилган. Рейсларнинг бекор қилиниши йўловчиларга техник носозликлар билан тушунтирилган.

"Аввал ҳам шундай бўлган. Ҳалокатлардан кейин ҳар бир турдаги самолётда камчиликлар бўлгани аниқланади, бироқ экипаж бу ҳақда хабар бермаган ёки эътибор қаратмаган бўлади. Экипаж ҳалокатгача



Украинада 2013 йил охири — 2014 йил бошидаги оммавий норозиликлар вақтида Киевдаги Незалежност майдонида намойишчиларнинг куч тузилмалари билан тўқнашувлари вақтида 100 дан зиёд украин вафот этган. Курбонларнинг кўпчилиги номаълум мерганлар томонидан ўлдирилган. Евромайдан тарафдорлари ва Украинанинг амалдаги ҳокимияти мерганларни собиқ президент Виктор Янукович билан боғлайдилар, бироқ 5 йиллик терговга қарамай, Януковичнинг айби исботланмаган.



баъзи носозликларни эътиборсиз қолдирган бўлса, энди барчаси, ҳаттоки энг кичик нарса ҳам текширилади. Ҳеч ким Москва — Мурманск рейси экипажи тақдирини тақорлашни истамайди", дейди Давлатлараро авиация кўмитасининг собиқ ходими, авиация хавфсизлиги бўйича мутахассис Сергей Ковалев.



Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

«Жумабозор деҳқон бозори» МЧЖ жамоаси мамлакатимиз аҳолисини 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни билан қутлайди.

Xizmatlar litsenzilangan.

Самарқанд шаҳридаги «Шодиёна» савдо маркази жамоаси

меҳнаткаш ва бунёдкор юртдошларимизни 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан муборакбод этади!

Диёримиз доимо тинч бўлсин!

Xizmatlar litsenzilangan.

Каттақўрғон тумани «Пайшанба деҳқон бозори» МЧЖ жамоаси

ҳамюртларимизни қутлуғ сана 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни билан қутлайди.

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, бахт ва омад, юртимиз тараққиёти йўлидаги улғувор ишларингизда улкан зафарлар тилаймиз!

Xizmatlar litsenzilangan.




Агробанк АТБ жамоаси
Май – Хотира ва кадрлаш куни билан барча юртдошларимизни ва мижозларини табриклайди!



Она Ватанимиз тинчлиги йўлида жанг майдонларида мардлик ва жасорат кўрсатган ҳамда фронт ортида фидокорона меҳнат қилган мухтарам фахрийларимизга сихат-саломатлик, бахт-саодат тилаймиз.

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, иқтисодиётимиз янада юксалаверсин!



Халқ фаровонлиги — фаолиятимиз мезони!

Agrobank Channel / Agrobankuzbekistan
Agrobank Mobile иловасини юклаб олинг
www.agrobank.uz тел. (+998 71) 203 88 88
Хизматлар лицензияланган.

Абу Райҳон Беруний ҳикматлари

Ҳар бир инсоннинг кадр-қиймати ўз ишини қойил қилиб бажаришида намоён бўлади.

Билм — қайтариш ва такрорлаш мевасидир. Билмсиз кишиларнинг кўнгли хурофотга мойил бўлади.

Асоси бўлмаган фандан воз кечса ҳам бўлади.

Одамгарчилиги бор мард киши ўзидан ва ўзиники эканлигига ҳеч ким тортишиб ўтирмайдиган нарсдан бошқасига эғалик қилмайди.

Неъматнинг қадри у йўқолгандагина билинади.

Миннат қилиш берилган эҳсонни йўққа чиқаради.

Улуғ ҳодисалар ҳар вақт юз беравермайди.

Комил нарса ортиқчаликни ҳам, камчиликни ҳам қабул этмайди.

Кишилар бир-бирлари билан мулоқот қилдилар, баҳс ва музокарага киришдилар. Ана шу пайтда нутқ тарозилари даркор бўлади. Бу тарози — мантиқдир.

Reklama



UZTELECOM

«Ўзбектелеком» АК
Тошкент филиали жамоаси

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан республикамиз аҳлини самимий табриклайди.

Инсон хотира билан тирик, кадр билан улуғ. Ўтганларнинг хайрли ишларини ёдга олмоқ, уларнинг руҳини шод этмоқ бизнинг муқаддас бурчимиздир.

Тилагимиз — юртимиз тинч бўлсин! Келажакка ишонч ва яратувчанлик шижоати сиз азизларни асло тарк этмасин!



Xizmatlar litsenzilangan.

Бекобод шаҳар тиббиёт бирлашмасининг «МЕТАЛЛУРГ» номли шаҳар шифохонаси жамоаси

барча юртдошларимизни
9 май —
Хотира ва Қадрлаш куни билан қутлайди.

Барчангизга бахт-саодат, хонадонларингизга фаровонлик ва хотиржамлик тилайди.



ТАФАККУР

Кексайганини одам қачон сезади? Буни орау-умиддан воз кечиб, фақат хотиралар билан яшай бошлаганда ҳис қилади.
Ф. ЗАНДЭРС

Кексалар учун ўтмиш хотираси саҳрода йўловчига кўринган саробга ўхшайди.
П. БРАНЖЭ

Кексая олиш санъатидан кўра, уни енга олиш санъати улуғроқдир.
И. ГИОТЭ

Кексалик санъати ёшларга тўғаноқ эмас — суянчиқ, рақиб эмас — муаллим, бепарқ эмас — ҳамдард бўлиш демакдир.

А. МОРУА

Кексая олиш — санъат, унга ҳамма ҳам муяссар бўлавермайди.
Ф. ЛАРОСХУҲУКО

Ҳа, нуроний мўйсафид бўла олиш буюк санъатлардан биридир. Бир кун келиб инсоният ўзалигини донишманд қария киефасида бутун борлиги билан намоён этса ажаб эмас. Унинг қалби ҳаммага очил, у янги авлодни муборакбод этади, унга ўз тажрибасини узатади.

А. В. ЛУНАСХАРСКИЙ

МУАССИС:



Ўзбекистон «Адолат» СДП
Сийёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислоҳ ҲАМРОЕВ

Таҳрир ҳайъати:
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖЎРАЕВ

Тошпўлат МАТИБАЕВ
Талъат МУРОДОВ
Абдуқамол РАҲМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ
Алишер ШОДМОНОВ
Шухрат ЯКУБОВ

Бўлимлар:

Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 71 288-46-54 (149); Котибият — 71 288-42-14 (144); Ахборот, ҳуқуқ ва ҳатлар бўлими — 71 288-42-12 (144); Қабулхона — 71 288-42-12 (141) факс; Реклама бўлими — 71 288-42-14 (144); 90 900-72-15

Навбатчи муҳаррир — Саодат Раҳимова
Навбатчи — Бобиржон Тунгатов

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қогоз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма тобок. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 500.
1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
Ташрият манзили: 100043, Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Ташкент шаҳри. Чиланзор тумани «Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй.
info@adolat.uz adolatg-95@mail.ru
Адади — 3324
Босишга тошириш вақти — 18.20
Босишга тоширилади — 19.50
Баҳоси келишилган нарҳда
Таҳриятга келган қўлёзмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳрият жавобдор эмас.
Газетанинг етказиб берилиши учун бурунги расмийлаштирилган ташкилот жавобдор.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2071-5217



1 2 4 5 6